**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигининг**
**2025-йилга мўлжалланган иш режасининг бажарилиши тўғрисида**
**МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Норматив ҳуқуқий асоси | Мақсад *(кутилаётган натижа)* | Масъул ижрочилар | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда баёнлари ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар** | | | | | | | |
| **1.** | Миллий кинематографияни кенг тарғиб қилиш ҳамда дунёдаги энг оммабоп интернет платформаларига миллий фильмларни жойлаштириш. | 1. Нуфузли ва рейтинги баланд халқаро онлайн платформаларнинг талабларига мос равишда давлат буюртмаси асосида камида **6 та фильм ишлаб чиқариш ёки мавжуд фильмларни ана шу талабларга мослаштириш.**<br>2. Онлайн **платформа** ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар олиб бориш ва **фильмларни жойлаштириш чораларини кўриш ҳамда унинг кенг тарғиботини амалга ошириш.**<br>3. 2025-йил давомида жаҳоннинг энг нуфузли **7 та халқаро кинобозор ва кинофестивалларида иштирок этиш.**<br>4. Ҳарбий-**ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар ишлаб чиқариш** ва уларнинг кенг **тарғиботларини ташкил қилиш.** | 2025-йил 2-июнгача,<br><br>2025-йил 2-июнгача,<br><br>2025-йил 2-июнгача,<br><br>2025-йил 2-июнгача | ПФ-16 | Миллий кино маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш | Кинолойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи **Ж.Рузметов,** Давлат буюртмаси билан ишлаш бўлими бошлиғи (лавозими бўйича), Ахборот коммуникация техналогияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси **М.Пўлатов,** Халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси **Б.Қодиров,** Матбуот хизмати раҳбари С.Ражабов, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази директори **Ф.Усмонов** | **Бажарилмоқда.**<br>Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигининг 2025-йил 10-февралда “2025-йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижросини ташкил этиш тўғрисида”ги 11 а-сонли буйруғи қабул қилиниб, ижрога қаратилди.<br>**1.** Нуфузли рейтинги баланд халқаро онлайн платформаларнинг талабларига мос равишда давлат буюртмаси асосида **“Ваъда”, “Қутқарувчи”, “Адолат”, “Умида” (Фудзияма ҳақида туш), “Уйга қайтиш”** номли бадиий фильмлар ишлаб чиқилиб, 2025 йилнинг март-апрель ойларида намойиш-лари ташкил этилди.<br>Шу билан бирга, давлат буюртмаси асосида **“Менинг маҳаллам”, “Ҳудуд”, “Амалиётчи қиз”, “Дайди шамол”** номли бадиий фильмлар ишлаб чиқарилмоқда.<br>Мазкур фильмларнинг илк тақдимоти ўтказилгандан |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | сўнг, йил давомида платформага жойлаштириб борилиши режалаштирилди.<br>**2. Фильмларни онлайн платформа жойлаштириш** бўйича (Megogo), (Beeline TV Rossiya), (YouTube, SSHA), (YouTube, Izrail), (Etnomedia TV, Kыrgыzstan), (Click TV, Kazaxstan) каби онлайн платформалар билан музокаралар олиб борилди.<br>Жорий йилнинг I чораги давомида Кинематография агентлиги томонидан давлат буюртмаси асосида суратга олинган “Ажиниёз” ўзбек миллий бадиий фильми дунёдаги энг оммабоп (Megogo,), (YouTube), (Etnomedia TV) каби онлайн платформаларига жойлаштирилди.<br>Бундан ташқари, Кинематография агентлиги томонидан давлат буюртмаси асосида суратга олинган **“Махтумкули”** ўзбек миллий **бадиий фильми** дунёдаги энг оммабоп **(Megogo), (YouTube), (Etnomedia TV) каби онлайн платформаларига жойлаштирилди.**<br>**3.** 2025 йилнинг I чораги давомида жаҳоннинг энг нуфузли 3 та халқаро кинофестивалида ўзбек киноижодкорларининг иштироки таъминланди.<br>Жумладан, Агентлик буюртмасига асосан суратга олинган, режиссёр Шокир |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Холиқовнинг **“Якшанба”** фильми **Бангладешда** бўлиб ўтган **Dakka Xalqaro кинофестивалининг** Осиё фильмлар танловида **“Энг яхши фильм”** мукофотига ҳамда **Ҳиндистонда** бўлиб ўтган **Eikhoigi Imphal Xalqaro** кинофестивалида **“Ҳакамлар ҳайъатининг махсус мукофоти”**ни қўлга киритди.<br>Шу билан бир қаторда жорий йилнинг 5-9 март кунлари Россия Федерация-сининг **Ханти-Мансийский шаҳрида** бўлиб ўтган **XXIII-Дух огня** кинодебют Халқаро Кинофестивалида “Ўзбекфильм” директори бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.<br>Шунингдек, жорий йилнинг 13–24 май кунлари **Франциянинг Канн шаҳри-да** ўтказиладиган **78 Канн халқаро кинофестивалида** ҳамда жорий йилнинг 1-4 май кунлари **Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида** ўтказиладиган **Waves** *(Бутун-жаҳон аудиовизуал кўнгил-очар саммити)*да **иштирок этиши режалаштирилган.**<br>**4. Ҳарбий-ватанпарвар-лик мавзусидаги фильмлар бўйича** Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ички ишлар ходимларининг фидоийлиги ҳақида ҳикоя қилувчи **“Ҳудуд”** номли бадиий фильм ишлаб |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | чиқаришга туширилиб, мазкур фильмнинг суратга олиш ишлари якунланмоқда.<br>Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда **“Уч қаҳрамон”** номли бадиий фильм яратилди.<br>Шу билан бирга, Ички ишлар академияси билан ҳамкорликда миллий озодлик ва ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган қаҳрамонлар жасорати ҳақида “**Ҳаёт академияси”** номли бадиий-публицистик фильм ишлаб чиқариш ишлари якунланмоқда.<br>Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ватандошимиз Мамадали Топволдиевнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи **“Ўзбек арслони”** тарихий бадиий фильмининг таййоргарлик даври ҳамда суратга олиш жараёнлари Белорусияда бўлиб ўтди. Айни дамда фильмнинг ижодий ишлари амалга оширилмоқда.<br>Бундан ташқари, Агентлик томонидан 2025 йил 17 январдан 17 февралга қадар 2025 йилда давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқарилиши режалаштирилган кинолойиҳалар учун ижодий танлов бўлиб ўтди. (https://t.me/uzbekkinopress/24053)<br>Танловда ҳарбий ватанпарварлик мавзуси бўйича бадиий фильм ва видероликлар |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | берилган. Келиб тушган лойиҳалар Агентлик Бадиий кенгаши ишчи гуруҳи томонидан ўқиб-ўрганиб чиқилди. Танлов комиссияси – Бадиий кенгаш қарорига кўра лойиҳалардан **“Ҳошимов” ва “Марказ маликаси”** номли бадиий фильмлар ғолиб деб топилди (https://t.me/uzbekkinopress/24631). |
| **2.** | **2025-йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижросини ташкил этиш.** | **1. Давлат** дастури ижросини ташкил этиш бўйича **агенлик буйруқ лойиҳасини ишлаб чиқиш.**<br>2. Давлат дастури ижросини ташкил этиш бўйича Фармондан келиб чиқиб, **агентлик масъул бўлган бандларга назорат режа ишлаб чиқиш.**<br>3. Буйруқ ва назорат режани ижрога қаратиш ва **эдо.ижро.уз** электрон **тизимида масъул ижрочиларни белгилаш.**<br>4. Давлат дастури ижроси юзасидан ҳар ойнинг **23 санасига қадар ижрочилардан маълумот олиш ва таҳлил қилиш.**<br>5. Давлат дастури ижроси юзасидан ҳар ойнинг **25-санасига қадар** “Тараққиёт стратегияси” маркази, “Юксалиш” ҳаракати, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатасига ахборот бериб бориш. | 2025-йил 10-февраль<br>2025-йил 12-февраль<br>2025-йил 12-февраль<br>ҳар ойнинг 23-санасига қадар<br>ҳар ойнинг 25-санасига қадар | ПФ-16 | Давлат дастури ижроси орқали соҳани ривожлантириш | Ижро интизоми ва девонхона бўлими бошлиғи **Ғ.Ҳошимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигининг 2025-йил 10-февралда “2025-йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижросини ташкил этиш тўғрисида”ги 11 а-сонли буйруғи қабул қилиниб, ижрога қаратилди.<br>Давлат дастури ижросини ташкил этиш бўйича Фармондан келиб чиқиб, **агентлик масъул бўлган бандларга 12 февраль куни (2025-ПФ-16-сон) назорат режа ишлаб чиқилди.**<br>Буйруқ ва назорат режадаги бандлар **“edo.ijro.uz”** электрон **тизими орқали** ижрога қаратилди.<br>Давлат дастури ижроси юзасидан ҳар ойнинг **25 санасига қадар агентлик томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида Адлия вазирлиги, “Тараққиёт стратегияси” маркази, “Юксалиш” ҳаракатига ва Маданият вазирлигига тақдим этиб борилди.** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | *(25-февралдаги 01-05/04-395-сонли, 25-мартдаги 01-05/04-665-сонли, 22-апрелдаги 01-05/04-1037-сонли хатлар )* |
| **3.** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Фармонлари, қарорлари, фармойишлари** ҳамда **ҳудудларга ташриф ва кенгайтирилган йиғилиш баёнлари** ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар. | **1. Агентликка** топшириқ белгиланган Фармон, қарор, фармойишлар ҳамда ҳудудларга ташриф ва кенгайтирилган йиғилиш баёнлари ижроси бўйича **назорат режа ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.**<br>2. **“Ижро.гов.уз”** электрон тизимида ҳар ойнинг **25-санасига қадар** кейинги ойдаги назоратдаги топшириқлар ижросини ташкил этиш бўйича **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”ларини** ишлаб чиқиш.<br>3. **“Ижро.гов.уз”** электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”лар** асосида мониторинг қилиш, **бажариш хавфи бўлган топшириқларни таҳлил қилган ҳолда раҳбариятга таклиф киритиш.**<br>4. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”лар асосида Агентликнинг аппарат йиғилишларида муҳокама қилиб бориш.**<br>**5. “Ижро.гов.уз”** электрон тизимида назоратга олинган **топшириқлар** бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги асослантирилган ҳужжатларни **“Ижро.гов.уз”** | Келиб тушган кундан бошлаб 1 соат ичида<br><br>ҳар ойнинг 25-санасига қадар<br><br>ҳар куни доимий<br><br>ҳар ҳафта душанба куни<br><br>кунбай календарь график асосида<br><br>ҳар ойда | **ПФ-6166 ПҚ-5132** | **“Ижро.гов.уз”** электрон тизими орқали топшириқларни ўз муддатида бажариш орқали соҳани ривожлантириш. | Ижро интизоми ва девонхона бўлими бошлиғи **Ғ.Ҳошимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>**Ижро интизоми ва девонхона бўлими ўз фаолиятини ПФ-6166-сон Фармони** ҳамда **ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ** Агентлик бошқарма ва бўлимлари ҳамда тизим ташкилотларида **қонунчилик ҳужжати ва ички иш юритувидаги ҳужжатлар ижроси тизимли равишда ўрганиб, таҳлил қилиб борилмоқда.**<br>Таҳлиллар натижасига кўра **«Ijro.gov.uz»** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали Агентликка жорий йилда **23 та Президент ҳужжати** *(шундан 9 та Фармонда, 10 та қарорда, 4 та баёнда)* **билан 51 та топшириқ** *(шундан, январда 16 та, февралда 10 та, мартда 15 та, апрелда 10 та)* **бўйича назорат режалар ишлаб чиқилди.**<br>**Келиб тушган** *(январь-апрель ойларидаги)* **топшириқлар бўйича кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”лари** ишлаб чиқилди.<br>Топшириқлар ижроси бўйича ҳар ҳафтанинг душанба куни агентликнинг аппарат йиғилишларида муҳокама қилиб бориилди.<br>Натижада келиб тушган **51 та** топшириқнинг **ижроси** *(100%га)* **тўлиқ таъминланди.** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **электрон тизимига киритиш ҳамда унинг назоратдан олинишини таъминлаш чораларини кўриш.**<br>6. Президент ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳар ойда **таҳлилий маълумот тайёрлаб бориш.** | | | | | |
| **4.** | Ўзбекистон Республикаси **Президенти Администрацияси ҳужжатлари** ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар. | **1. Агентликка** топшириқ белгиланган Президент Администрацияси ҳужжатлари ижроси бўйича **назорат режа ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.**<br>**2. “Ижро.гов.уз”** электрон тизимида ҳар ойнинг **25-санасига қадар** кейинги ойдаги назоратдаги топшириқлар ижросини ташкил этиш бўйича **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш.**<br>3. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”лар** асосида мониторинг қилиш, **бажариш хавфи бўлган топшириқларни таҳлил қилган ҳолда раҳбариятга таклиф киритиш.**<br>4. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”лар асосида Агентликнинг аппарат йиғилишларида муҳокама қилиб бориш.**<br>**5. “Ижро.гов.уз”** электрон тизимида назоратга олинган **топшириқлар** бўйича амалга оширилган | Келиб тушган кундан бошлаб 1 соат ичида<br>ҳар ойнинг 25-санасига қадар<br><br>ҳар куни доимий<br><br>ҳар ҳафта душанба куни<br><br>кунбай календарь график асосида<br><br>ҳар ойда<br><br>ҳар ойда | **ПФ-6166**<br>**ПҚ-5132** | **“Ижро.гов.уз”** электрон тизими орқали топшириқларни ўз муддатида бажариш орқали соҳани ривожлантириш. | Ижро интизоми ва девонхона бўлими бошлиғи **Ғ.Ҳошимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>**Ижро интизоми ва девонхона бўлими** ўз **фаолиятини ПФ-6166-сон Фармони** ҳамда **ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ** Агентлик бошқарма ва бўлимлари ҳамда тизим ташкилотларида **қонунчилик ҳужжати ва ички иш юритувидаги ҳужжатлар ижроси тизимли равишда ўрганиб, таҳлил қилиб борилмоқда.**<br>Таҳлиллар натижасига кўра **«Ijro.gov.uz»** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали **чорак давомида Администрация раҳбари ва Президент ёрдамчиси топшириғи келиб тушмаган.** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ишлар тўғрисидаги асослантирилган ҳужжатларни **“Ижро.гов.уз” электрон тизимига киритиш ҳамда унинг назоратдан олинишини таъминлаш чораларини кўриш.**<br>6. Президенти Администрацияси ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳар ойда **таҳлилий маълумот тайёрлаб бориш.** | | | | | |
| **5.** | Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари** ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар. | **1. Агентликка** топшириқ белгиланган **Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари** ижроси бўйича **назорат режа ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.**<br><br>2. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида ҳар ойнинг **25-санасига қадар** кейинги ойдаги назоратдаги топшириқлар ижросини ташкил этиш бўйича **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш.**<br>3. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини **кунбай календарь график** ва **“Йўл харита”лар** асосида мониторинг қилиш, **бажариш хавфи бўлган топшириқларни таҳлил қилган ҳолда раҳбариятга таклиф киритиш.**<br>4. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини кунбай **календарь график** ва **“Йўл харита”лар асосида Агентликнинг аппарат** | Келиб тушган кундан бошлаб 1 соат ичида<br>ҳар ойнинг 25-санасига қадар<br><br>ҳар куни доимий<br><br>ҳар ҳафта душанба куни<br><br>кунбай календарь график асосида<br><br>ҳар ойда | **ПФ-6166**<br>**ПҚ-5132** | **“Ижро.гов.уз”** электрон тизими орқали топшириқларни ўз муддатида бажариш орқали соҳани ривожлантириш. | Ижро интизоми ва девонхона бўлими бошлиғи **Ғ.Ҳошимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>**Ижро интизоми ва девонхона бўлими** ўз **фаолиятини ПФ-6166-сон Фармони** ҳамда **ПҚ-5132-сон қарорига мувофиқ** Агентлик бошқарма ва бўлимлари ҳамда тизим ташкилотларида **қонун-чилик ҳужжати ва ички иш юритувидаги ҳужжатлар ижроси тизимли равишда ўрганиб, таҳлил қилиб борилмоқда.**<br>Таҳлиллар натижасига кўра **Вазирлар Маҳкамаси ҳужжати бўйича «Ijro.gov.uz»** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали Агентликка жорий йил **I чораги давомида 12 та** ҳужжатда **14 та топшириқ** *(шундан, январда 3 та, февралда 3 та, мартда 3 та, апрелда 5 та)* **ижро учун келиб тушган.**<br>Келиб тушган **12 та** ҳуж-жатдаги **14 та топшириқ ижроси** *(100%га)* **тўлиқ таъминланди**. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **йиғилишларида муҳокама қилиб бориш.**<br>5. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги асослантирилган ҳужжатларни **“Ижро.гов.уз” электрон тизимига киритиш ҳамда унинг назоратдан олинишини таъминлаш чораларини кўриш.**<br>**6. Вазирлар Маҳкамаси** ҳужжатлари ижроси юзасидан ҳар ойда **таҳлилий маълумот тайёрлаб бориш.** | ҳар ойда | | | | |
| **6.** | **Агентликка келиб тушган хат-ҳужжатлар, Агентлик қабул қилган ҳужжатлар** ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар. | **1. Агентликка келиб тушган хат ҳужжатлар ва Агентлик ҳужжатларини** “эдо.ижро.уз” электрон тизими орқали рўйхатдан ўтказиш ва раҳбарга юбориш.<br>**2. Раҳбар** топшириғи (фишкаси) асосида **“эдо.ижро.уз”** электрон тизими орқали назоратдаги топшириқлар ижросини кунбай назорат қилиш ва ижрочиларни огоҳлантириб бориш.<br>**3. “Эдо.ижро.уз”** электрон тизими орқали Агентликка **келиб тушган хат-ҳужжатлар, Агентлик қабул қилган ҳужжатлар** ижроси бўйича ижрочилар томонидан киритилган хат-ҳужжатлар **ижросини кўриб чиқиш, ижро бажарилганда назоратдан олиш, асосли маълумот тақдим этилмаганда қайта ишлашга юбориш.** | Келиб тушган кундан бошлаб 1 соат ичида<br><br>ҳар куни доимий<br><br>белгиланган муддатда<br><br>ҳар куни доимий<br><br>ҳар куни доимий | **ПФ-6166**<br>**ПҚ-5132** | **“Ижро.гов.уз”** электрон тизими орқали топшириқларни ўз муддатида бажариш орқали соҳани ривожлантириш. | Ижро интизоми ва девонхона бўлими **Ф.Қорабоева, Ф.Тўрақулова** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>***Жорий йилнинг 28 апрель ҳолатига*** Девонхона бўлими томонидан, Агентликка юқори ва тизим ташкилотлардан келиб тушган **1619 та** ҳужжат рўйхатга олиниб, мазкур ҳужжатлардаги **1804 та** топши-риқлардан, **1003 таси** ижрога қаратилди, **801 та** топшириқ **маълумот учун** ижрочиларга юборилди.<br>**Агентликка келиб тушган хат-ҳужжатлар ва агентлик буйруқларидаги топшириқ-лар таҳлил қилиниши натижасида 1804 та** топшириқ-лардан **1003 та** (50,1%) ижрога йўналтирилган бўлиб, шундан **716 та** (35,7%) топшириқлар ижроси **ўз вақтида**, **108 та** (5,4%) топшириқлар **муддати-дан ўтиб** бажарилган, **8 та** (0,4%) топшириқ **ижроси таъминланмаган,** қолган **170 та** (8,4%) топшириқлар **ижроси давом эттирилмоқда.** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 4. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган топшириқлар ижросини **кунбай** мониторинг қилиш, **бажариш хавфи бўлган топшириқларни таҳлил қилган ҳолда бўлим бошлиғига таклиф киритиш.**<br>5. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида **назоратга олинган ички топшириқларнинг назоратдан олинишини таъминлаш чораларини кўриш.**<br>6. “Ижро.гов.уз” электрон тизимида назоратга олинган ички **топшириқларни (жадвал асосида) таҳлил қилиш, бажарилмаган топшириқларни Агентликнинг аппарат йиғилишларида муҳокама қилиш бўйича бўлим бошлиғига маълумот тақдим этиш.**<br>**7. Ички** ҳужжатлар ижроси юзасидан **ҳар ойда таҳлилий маълумот тайёрлаб бориш.** | ҳар ҳафтанинг **Пайшанба** ва **Жума** куни<br>ҳар ойда<br>ҳар ойда | | | | **Муддати кечиктирилган топшириқлар ойлар кесимида таҳлил қилинганда, январь** ойида **21 та** (19,4%), **февраль** ойида **37 та** (34,2%), **март** ойида **16 та** (14,8%), апрел ойида **34 та** (31,5%)ташкил этмоқда.<br>Агентликнинг **8 та** тизим ташкилотлари таҳлил қилиниши натижасида, тизим ташкилотларига **126 та** ҳужжат билан жами **143 та** топшириқ ижро учун юборилган бўлиб, шундан **111 та** (77,6%) топшириқ **ўз вақтида**, **13 та** (9,1%) топшириқ **муддатдан ўтиб** бажарилган, қолган **19 та** (13,3%) топшириқлар **ижроси давом эттирилмоқда.**<br>Шунингдек, **тизим ташкилотларига** Агентлик томонидан ижро учун **юборилган 143 та топшириқлардан 3 та** (2,7%)**си масъуллар томонидан танишиб чиқилмаган.**<br>Жумладан, **Ўзбекистон Миллий кино саънати саройида – 2 та, “Ёшлик киностудияси”** ДУКда **– 1 та.** |
| **7.** | Агентлик томонидан лойиҳалаштирилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тизим ташкилотлари томонидан чиқарилаётган хат-ҳужжатларни Лотин ёзувига асосларган ўзбек алифбоси асосида амалга оширилиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш, бу борада аниқланган | 1. Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тизим ташкилотлари томонидан чиқарилаётган хат-ҳужжатларнинг Лотин ёзувига асосларган ўзбек алифбоси асосида тайёрланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш.<br>2. Маънавий-маърифий соҳага ва давлат тилига оид қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини танқидий ўрганиш. | Йил давомида, белгиланган муддатда | ЎРҚ-167-I<br>ПФ-6084<br>ВМҚ-61 | Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш | Давлат тили бўйича маслаҳатчи<br>**Д.Турдибоева** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Лотин ёзувига асосларган ўзбек алифбоси асосида тайёрланиши юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш. | 3. Аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш. | | | | | |
| **8.** | Агентликнинг Атамалар бўйича ишчи гуруҳи билан биргаликда **кино соҳасига оид атамалар бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиб бориш.** | 1. Тизимга оид атамаларни кўриб чиқиш.<br>2. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва тегишли ташкилотларга тақдим этиш. | Йил давомида, белгиланган муддатда | ЎРҚ-167-I<br>ПФ-6084<br>ВМҚ-61 | Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш | Давлат тили бўйича маслаҳатчи **Д.Турдибоева** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Кино соҳасига оид атамалар бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар тайёрланмоқда. |
| **9.** | Агентлик буюртмаси билан ишлаб чиқилаётган фильмлардаги ёзувлар, шунингдек, тизимга оид лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материалларининг давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминлаш. | 1. Фильмлардаги ёзувлар, шунингдек, тизимга оид лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материалларининг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш.<br>2. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | Йил давомида, белгиланган муддатда | ЎРҚ-167-I<br>ПФ-6084<br>ВМҚ-61 | Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш | Давлат тили бўйича маслаҳатчи **Д.Турдибоева** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Ишлаб чиқилаётган фильмлардаги ёзувлар, тизимга оид лавҳалар, эълонлар, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материалларининг давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлиши бўлиши бўйича назорот ишлари олиб борилмоқда. |
| **II. Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга ошириладиган ишлар** | | | | | | | |
| **10.** | Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш. | 1. Қуйидаги бешта йўналиш бўйича индикаторлар асосида иш ташкил этиш:<br>1) Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги;<br>2) Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш;<br>3) Давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга | 2025-йил якунига қадар<br>**Ҳар чорак** | ПҚ-81<br>ПҚ-5177<br>ПҚ-417 | Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларга йўл қўймаслик. | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бош мутахассис **Я.Эшонхонов**<br>Матбуот хизмати раҳбари **С.Ражабов,** Лавозим бўйича Ахборот-коммуникация | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорига асосан Агентликда иш фаолияти йўлга қўйилган.<br>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатлари;<br>4) Ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада уларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш;<br>5) Коррупцияга қарши курашиш бўйича тизим ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш.<br>2. Инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш.<br>3. Шаффофликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш. | Доимий | | | технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси **М.Пулатов,**<br>Бош юрисконсульт **Д.Касимов** | “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли қарори бўйича 29 та индикатор-лар асосида январь-апрель ойлари давомида ҳисоботлар киритиб борилди.<br>2025 йил январь-апрель ойлари якуни бўйича «E-Anticor.uz» электрон плат-формаси бўйича 64 тадан иборат жадвал асосида хисоботлар шакллантирилиб, ушбу платформага тўлиқ киритиш чоралари кўрилди.<br>*(асос: Агентликнинг 01-05/12-235-сон хат)* |
| **11.** | Кинематография агентлиги ва тизим ташкилотларида “Давлат **харидлари”ни** амалга оширишда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида **Контрагентлар устидан доимий назоратни амалга ошириб бориш.** | 1. Контрагентларни текшириш реестрини юритиш.<br>2. Текширувлар натижалари бўйича ижобий ва салбий хулосалар нусхаларини Веб-сайтга ҳавола қилиб бориш. | 2025-йил якунига қадар<br>**Ҳар чорак** | ПҚ-81<br>ПҚ-5177<br>ПҚ-417 | Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларга йўл қўймаслик. | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бош мутахассис **Я.Эшонхонов,**<br>Ишлар бошқарувчи-Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи **Б.Норов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Кинематография агентлиги ва тизим ташкилотларида **“Давлат харидлари”ни** амалга ошириш-да манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида Контрагентлар устидан назорат қилиш реестри шакллантирилиб, январь-апрель ойлари-даги харидлар бўйича мони-торинги амалга оширилган..<br>Жумладан, 2025 йил январь-апрель ойлари давомида 18 та хўжалик шартномалари тузилган бўлиб, камчиликларга йўл қўйилмаганлиги аниқланди.<br>*(асос: Агентликнинг маълумотномаси)* |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **12.** | Коррупция ҳолатлари ҳақида **хабар бериш механизми, хабар берган ходимларни рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслигининг кафолатини таъминлаш.** | Ходимларни мазкур масалаларни тартибга солувчи ички регламент, ходимлар рўйхати ва статистик маълумотлар билан таништириб бориш. | 2025-йил якунига қадар **Ҳар чорак** | ПҚ-81<br>ПҚ-5177<br>ПҚ-417 | Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларга йўл қўймаслик. | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бош мутахассис **Я.Эшонхонов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш механизми, хабар берган ходимларни рағбатлантириш ва уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатини таъминлаш мақсадида жорий йил 7 март куни ўқув семинари ташкил этилди.<br>Семинар давомида мазкур механизмлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда таъқибдан ҳимоя кафолатлари ҳақида батафсил тушунчалар берилди. *(асос: https://t.me/uzbekkinopress /24473)* |
| **13.** | Ходимларга **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун** моҳиятини тушунтириш ва ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириб борилишини назорат қилиш. | Ишга қабул қилишда, лавозими ўзгараётганда, ротация қилинаётганда ва йиллик декларацияни тўлдирган ходимлар тўғрисида Веб-сайтга маълумотлар ҳавола қилиб бориш. | 2025-йил якунига қадар **Ҳар чорак** | ПҚ-81<br>ПҚ-5177<br>ПҚ-417 | Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларга йўл қўймаслик. | Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати хизмати бош мутахассис **Я.Эшонхонов,** Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи **Э.Рахмонов,** Бош юрисконсульт **Д.Касимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Ходимларга “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуннинг моҳияти тушунтирилди ва улар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириб бориш юзасидан назорат йўлга қўйилди.<br>Жумладан, вакант лавозимлар орқали ишга қабул қилинган 12 нафар ходимга коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик борасида тушунтириш ишлари олиб борилди.<br>Шунингдек, барча агентлик ходимларидан кафолат хатлари олиниб, 2024 йил якуни бўйича декларациялар тўлдирилди. Тўлдирилган декларациялар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Маданият вазирлигига юборилди.<br>*(асос:01-05/12-741-сон хат ва деклациялар)* |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **14.** | Агентлик тизимида ҳуқуқни қўллаш фаолиятида **қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш.** | Агентлик ва тизим ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш борасида мониторинг тадбирларини ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | Йил давомида | ПҚ-2733 ВМҚ-250 | Агентлик ва тизим ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш. | Бош юрисконсульт **Д.Касимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**. Агентликнинг бўлим ва бўлинмалари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан мунтазам ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. |
| **15.** | Кинематография соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш. | Кинематография соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Маданият вазирлигига киритиш. | Йил давомида | ПҚ-2733 ВМҚ-250 | Агентлик ва тизим ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш. | Бош юрисконсульт **Д.Касимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**. Кинематография соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари хатловдан ўтказилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан низом лойиҳалари ишлаб чиқилди.<br><br>*(Асос: Агентликнинг 2025 йил 25 мартдаги 38а-сон буюруғи)* |
| **16.** | Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг мазмун-моҳияти юзасидан Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимлари ўртасида “ҳуқуқий саводхонликни ошириш” бўйича | 1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш.<br>2. Чора-тадбирлар режаси асосида Агентлик ходимлари ўртасида тарғибот тадбирлари, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб бориш. | Ҳар чоракда камида **икки маротаба** | ПҚ-2733 ВМҚ-250 | Агентлик ва тизим ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш. | Бош юрисконсульт **Д.Касимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.<br>Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида Агентлик ходимлари ўртасида тарғибот тадбирлари, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | тарғибот тадбирлари, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш. | | | | | | *(Асос: йиллик чора-тадбирлар режаси ва 11 та йиғилиш баёнлари)* |
| **III. Таълим йўналишида амалга ошириладиган ишлар** | | | | | | | |
| **17.** | **БДКУ Тошкент филиалининг** янги 2025/2026 ўқув йили қабул параметрларини шакллантириш. | 1. Иқтисодиёт ва соҳаларнинг реал эҳтиёжини инобатга олган ҳолда филиал қабул квотасини тасдиқлаш.<br>2. Филиалга 2025/2026 ўқув йили учун қабул имтиҳонларини ўтказиш.<br>3. Истиқболли талабаларни БДКУга стажировка ўташ учун танлаб олиш. | 2025-йил 2-чорак<br><br>2025-йил давомида | ПҚ-5238<br>ЎРҚ-637 | Кинематография соҳаси учун юқори малакали ижодий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш | Таълим йўналишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **А.Хошимов,** БДКУ Тошкент филиали директори **И.Меликўзиев** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>БДКУ Тошкент филиалининг 2025/2026 ўқув йили учун қабул квотаси Агентлик томонидан тасдиқланди.<br>Филиалга 2025/2026 ўқув йили учун қабул имтиҳонларини ўтказиш бўйича тайёргарлик олиб борилмоқда.<br>С. А. Герасимов номидаги БДКУ Тошкент филиалининг “Кинооператорлик” таълим йўналиши ўқитувчи ва талабалари 2025 йилнинг 2-8 февраль кунлари Москва шаҳрига амалиёт ўташ мақсадида юборилди.<br>*(Асос: Агентликнинг 2024 йил 16 декабрдаги 01-05/09-2799-сон хати ва БДКУнинг 2025 йил 23 январдаги 75а-сонли буйруғи)* |
| **18.** | Филиалнинг штатлар жадвалини янгилаш ва ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш. | Филиалнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш учун керакли иш ўринлар юзасидан таклифлар тайёрлаш. | 2025-йил 1-чорак | ПҚ-5238<br>ЎРҚ-637,<br>ПҚ-4391,<br>ПҚ-5040 | Кинематография соҳаси учун юқори малакали ижодий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш | Таълим йўналишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **А.Хошимов,** БДКУ Тошкент филиали директори **И.Меликўзиев** | **БАЖАРИЛГАН**.<br>Филиалнинг штатлар жадвали қайта кўриб чиқилиб, белгиланган меёрлар асосида келишиб берилди.<br>Филиалнинг ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида филиал янги ташкилий тузулмаси ишлаб чиқилди.<br>*(Асос: штатлар жадвали)* |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **19.** | Филиалда Илмий кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш. | 1 Илмий кенгаш Низоми ва таркибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Филиал илмий салоҳиятини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.<br>3. Соҳада амалга оширилган илмий янгиликлар билан Халқаро ва Республика илмий анжуманларида иштирок этиш. | 2025-йил 2-чорак<br>2025-йил 2-3-чорак<br><br>2025-йил давомида | ПҚ-5238<br>ЎРҚ-637,<br>ВМҚ-239/3 | Кинематография соҳаси учун юқори малакали ижодий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтисосликлари йўналишида талабгорлар учун кўзда тутилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш. | Таълим йўналишини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **А.Хошимов,** БДКУ Тошкент филиали директори **И.Меликўзиев** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография университети ректори, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, академик В.С. Малышевнинг розилигига кўра, Илмий кенгаш низоми тасдиқланди ҳамда 2025 йил 17 январь куни Тошкент шаҳар филиалининг кенгайтирилган мажлиси баёни асосида Илмий кенгаш ташкил этилди.<br>Филиал илмий салоҳия-тини ошириш мақсадида, 2025 йил 27 январдаги 1-сонли баённинг 2-масаласига муво-фиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 536-сон қарорига асосан филиалнинг 12 нафар ўқитув-чисига илмий унвонлар бериш учун Олий аттестация комисси-ясига таклифлар киритилди.<br>2025 йил 27 март куни Москва шаҳрида ташкил этилган “XX–XXI аср киноларида Иккинчи жаҳон уруши мавзусига бағишланган халқаро ёшлар илмий-амалий конференцияси”да филиалнинг 4 нафар талабаси ўз мақолалари билан иштирок этди.<br>*(Асос: БДКУ йиғилиш баёни ва низоми)* |
| **IV. Оммавий намойишлар бўйича рухсатномалар бериш йўналишида амалга ошириладиган ишлар** | | | | | | | |
| **20.** | Кинематография агентлиги томонидан тадбиркорларнинг тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблардан хабардорлигини | 1. Кинематография агентлиги томонидан тадбиркорларнинг тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблардан хабардорлигини оширишга оид семинар-тренинглар | 2025-йил Январь-февраль ойларида | ПФ-184<br>ВМҚ-86 | Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблардан хабардор қилиш орқали талаблар | Рухсатномалар бериш масалалари билан шуғулланиш ва ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлаш | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | оширишга оид семинар-тренинглар ташкил этиш. | ташкил этиш бўйича чораклик режа-график ишлаб чиқиш.<br>2. Малакали мутахассислар, экспертлар, жумладан, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар ходимларини жалб этган ҳолда режа-графикка асосан семинар-тренинглар ташкил этиш. | 2025-йил май ойида | | бузилишини олдини олиш. | бўлимининг бош мутахассиси **Ф.Нодирова,** бўлимнинг 1-тоифали мутахассиси **А.Иргашев** | тўғрисида"ги ПФ-184-сон Фармонининг 3-иловаси, 16.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Кинематография агентлиги томонидан тадбиркорларни мажбурий талаблар ҳақида хабардор қилишга қаратилган семинар-тренинглар ўтказиш бўйича чораклик режа-график ишлаб чиқилди ва жорий йил 4 февраль куни тасдиқланди.<br>2025 йил май ойида мазкур режа-график асосида семинар-тренинглар ташкил этиш режалаштирилган. Уларда малакали мутахассислар, экспертлар, жумладан, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.<br>*(асос: агентликнинг тасдиқланган режа-графиги)* |
| **21.** | Мажбурий талаблар реестри асосида тадбиркорликнинг ҳар бир йўналиши бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг мажбурий талабларга мослигини текшириш имконини берувчи чеклист ишлаб чиқиш. | 1. Мажбурий талаблар реестри асосида тадбиркорликнинг ҳар бир йўналиши бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг мажбурий талабларга мослигини текшириш имконини берувчи чеклист жойлаштириш;<br>2.Чеклистни тўлдириш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш. | 2025-йил январь ойида<br><br>2025-йил март ойида | ПФ-184<br>ВМҚ-86 | Кинотеатрларда белгиланган талабларни бажарилишига эришиш. | Рухсатномалар бериш масалалари билан шуғулланиш ва ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлаш бўлимининг бош мутахассиси **Ф.Нодирова,** бўлимнинг 1-тоифали мутахассиси **А.Иргашев,** Бош юрисконсульт **Д.Касимов** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ-184-сон Фармони талаблари асосида, Агентликнинг 2024 йил 2 декабрдаги 177а-сонли буйруғи билан "Чора-тадбирлар" тасдиқланган.<br>Ушбу буйруқ асосида, 2025 йил январь ойида мажбурий талаблар реестрига таянилган ҳолда, ҳар бир йўналиш бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг мажбурий талабларга мослигини баҳолаш имконини берувчи чеклист ишлаб чиқилди. |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | 2025 йил 20 март куни мазкур чеклист Республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари (кинотеатрлар)га юборилди.<br>Шунингдек, мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Кинематография агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби белгиланган Низом тасдиқланди.<br>*(асос: Агентликнинг 2025 йил 20 март кунидаги 01-05/05-652-сон хат)* |
| **22.** | Фильмни оммавий намойиш этишга бир марталик рухсатнома бериш учун аризаларни кўриб чиқиш. | 1. Хорижий ва миллий фильмларга оммавий намойиш этиш учун бир марталик рухсатнома бериш юзасидан ***partner.licenses.uz*** сайти орқали аризалар қабул қилиш.<br>2. Ҳужжат ва материаллар ҳамда фильмларни кўрикдан ўтказиш.<br>3. Кўрикдан сўнг фильмлар бўйича Экспертлар комиссияси аъзоларидан хулосалар олиш ва баёнлаштириш.<br>4. Аризага жавоб ва баён нусхасини ***partner.licenses.uz*** сайтига жойлаштириш. | 2025-йил давомида | ПФ-184<br>ВМҚ-86 | Хорижий ва миллий фильмларни оммавий намойиш этишда ғоявий жиҳатларини таҳлил қилиб бориш. | Рухсатномалар бериш масалалари билан шуғулланиш ва ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлаш бўлимининг бош мутахассиси **Ф.Нодирова,** бўлимнинг 1-тоифали мутахассиси **А.Иргашев** | БАЖАРИЛМОҚДА.<br>2025 йил 30 апрель кунига қадар хорижий ва миллий фильмларни оммавий намойиш этиш учун **partner.licenses.uz** сайти ва ёзма мурожаатлар орқали **139 та ариза** келиб тушди.<br>Келиб тушган аризалар асосида Эксперт комиссиясининг йиғилишлари тўлиқ ўтказилиб, барча аризалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.<br>**Маълумот учун:**<br>**18 та миллий фильм,**<br>**102 та хорижий фильм,**<br>**5 та кинофестиваль,**<br>**10 та тасвирга олиш жараёни,**<br>**3 та фильм-концерт,**<br>**1 та сериал** бўйича йиғилиш баённомалари расмийлаштирилди.<br>**Кенг намойиш учун рухсат берилган 13 та миллий фильм:**<br>“Қаҳрамоннинг қайтиши” |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | “Мусиқа – бу севги”<br>“Қадар”<br>“Гаров”<br>“Чимилдиқ”<br>“Адолат”<br>“Қутқарувчи”<br>“Онлайн севги”<br>“Қовун ўғрилари”<br>“Бир куни Самарқандда”<br>“Ўзбекча ажрашиш”<br>“Дежавю”<br>“Комбайн” (қорақалпоқ тилида)<br>**Ёзма хат орқали рухсат берилган намойишлар:**<br>**1 та сериал**: “Феномен” (20 қисм)<br>**1 та анимацион фильм**: “Яшил макон”<br>**3 та қисқа метражли фильм**: “Рафиқа”, “26 апрель”, “Намуна” |
| **23.** | Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **фильмларни кино ва видео тасвирга олиш учун рухсатнома бериш учун аризаларни кўриб чиқиш.** | 1. Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни кино ва видео тасвирга олиш учун рухсатнома бериш юзасидан ***partner.licenses.uz*** сайти орқали аризалар қабул қилиш.<br>2. Ҳужжат ва материалларни қабул қилиш, сценарийларни ўқиб чиқиш.<br>3. Экспертлар комиссияси аъзоларидан сценарийлар бўйича хулосалар олиш ва баёнлаштириш.<br>4. Аризага жавоб ва баён нусхасини ***partner.licenses.uz*** сайтига жойлаштириш. | 2025-йил давомида | ПФ-184<br>ВМҚ-86 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни кино ва видео тасвирга олиш жараёнларида давлат сиёсатининг бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик. | Рухсатномалар бериш масалалари билан шуғулланиш ва ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлаш бўлимининг бош мутахассиси **Ф.Нодирова,** бўлимнинг 1-тоифали мутахассиси **А.Иргашев** | **БАЖАРИЛМОҚДА**.<br>Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни кино ва видео тасвирга олиш мақсадида **partner.licenses.uz** сайти орқали **10 та ариза** келиб тушди. Барча аризалар юзасидан Эксперт комиссия йиғилишлари ўтказилиб, тегишли баённомалар расмийлаштирилди.<br>**Маълумот учун:**<br>**6 та кинолойиҳага рухсат берилди**<br>**4 та лойиҳа рад этилди**<br>**Рухсат берилган кинолойиҳалар:**<br>**1.“Крутая перемена”** – *8 қисмли сериал (Россия)*<br>**2.“Листы сада М.”** *(2025) – қисқа метражли фильм (Россия)* |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **3.“Памир — сердце Азии”** *– 2 қисмли ҳужжатли фильм (Австрия)*<br>**4.“ПАША”** *– 8-қисм сценарийси (2025), ООО “ВИШ Медиа” (Россия)*<br>**5.“ПАМИР — СЕРДЦЕ АЗИИ”** *(2025) – 2 қисмли, 52 дақиқалик ҳужжатли фильм сценарийси, «dreiD.at Filmproduction» (Австрия) томонидан қайта ариза берилган*<br>**6. “РУССКИМ ЯЗЫКОМ”** *(2025) – ҳужжатли фильм, ООО «Телевизионные технологии» (Россия)* |
